



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВИ**

Республика илмий-амалий анжумани
материаллари

ҚАРШИ-2018



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВИ**

Республика илмий-амалий конференция
14-декабрь 2018 йил

Қарши – 2018

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ВА МАЪНАВИЯТ РИВОЖИ

О.Очилова – магистрант, ҚарДУ

Амир Темур даврида илм-фаннинг тараққий этишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, Соhibқироннинг мамлакатда қатъий тартиб ўрна-тишга эришганини, ҳар бир ишни, шу жумладан, илм ва таълим ишларини белгиланган қонун ва қоидаларга мувофиқ, амалга оширганини, бу қонун-қоидаларни эса салтанатдаги кишилар-нинг турли хил тоифалари билан боғлаб тузганини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу ҳақида «Темур тузуклари» да куйидаги сўзлар битилган: «Салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим. Салтанатимни икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам ана шу ўн икки тоифага боғлаб туздим».¹⁰

Амир Темурнинг уламо, фузало, фозиллар тоифасига (биринчи тоифа) алоҳида эътибор бергани, уларни ўзига яқинлаштиришга ҳаракат қилгани, давлат миқёсида амалга ошириладиган тадбирларни белгилаш, муҳим қарорлар қабул қилишдан аввал кенгашлар чақириб, улар билан маслаҳатлаш-гани Соhibқироннинг илм-фан аҳлига катта ишонч билдирган-лигидан далолат беради. Темур кенгашиб, маслаҳатлашиб ўтказилган тадбир саноксиз лашкар ожизлик қилган кучни енгишга имкон беради, деб ҳисоблаган. Ана шунинг учун ҳам у олимлар ва рухонийларга мурожаат қилиб, улардан мамлакатни бошқаришда ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришларини сўраган.

Бу жиҳатдан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобида берилган Амир Темурнинг янгидан бунёд этилган Боилкан шаҳрида олим-фузалолар билан ўтказган кенгаши қақидаги маълумот диққатга сазовордир. Бу кенгашдаги нутқида у шундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар.

¹⁰ Темур тузуклари. Т., 1991, 64-бет

Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим, мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишларингиз керак».

Амир Темурнинг илм-фан аҳлига бўлган муносабати давлатни идора қилиш, салтанат саройида ўтириш, маошлар тийинлаш ва шу қабилар тузукларда алоҳида қайд қилинган. Хусусан, у олимлар, донишмандларга саройда ўтказиладиган мажлисларда ўзининг ўнг тарафидан, ул кишилар учун мулжалланган томонидан ўрин берган.

Худди ана шундай хурмат ва эҳтиромни Соҳибқирон ўзи забт этган мамлакатлардаги олим-у фузало, доно кишиларга нисбатан ҳам кўрсатган «қайси мамлакатни забт этган бўлсам, - деб таъкидлайди бу ҳақида Амир Темур, - ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутиб, саййидлари, уламолари, фузало ва машойихларига таъзим бажо келтирдим ва хурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим».

Темур даврида илм-фаннинг қайтадан ривож топишига таъсир кўрсатган омиллардан яна бири кўшни мамлакатлар, айниқса Хитой, Ҳиндистон билан иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кучайиши бўлди. Турли мамлакатлардаги илмий марказлар, олимлар ўртасида алоқаларнинг ўрнатилиши, халқларнинг бир-бирининг тарихий маданиятини ўрганиши, илм-фан соҳасидаги эришган натижалари билан танишиши илмий билимлар тараққиёти учун қулай шароит туғдирган.

Темур салтанатида илм-фаннинг тараққий этишида ўтмиш маданияти, бойликларини ўрганишга эътибор берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу давр олимлари қадимги Юнонистон мутафаккирларининг илмий мерослари, хусусан, Арасту асарларининг ал-Қиндий томонидан амалга оширилган таржимаси, Эвклиднинг математикага оид 13 китобини ўз ичига олган «Асослар» асарининг, Птоломейнинг «Алмагест» китобининг Беруний томонидан санскрит тилига таржималари ва шу қабилар билан таниш эдилар. Уларда Хитой ва ҳинд

олимларининг риёзиёт, фалакиёт, тиббиёт, кимё, адабиёт, тарих каби илм соҳаларидаги тадқиқотларига, чунончи, ҳиндларнинг «Калила ва Димна» асарига бўлган қизиқиши кучли эди. Шунингдек, XIV-XV асрларда илм-фаннинг юксалиши учун IX-XII асрларда Ўрта Осиёда яратилган маданиятнинг, хусусан, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Ҳайём, Насриддин Тусий каби жаҳонга машҳур бўлган алломалар илмий меросининг гоёвий манба бўлиб хизмат қилганлигини алҳида такидлаб ўтиш зарур. Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисалар Ўрта Осиёда илм-фаннинг истилолар, сиёсий вазиятларининг ўзгариш таъсирида тараққиётдан тўхтаб қолишга йўл қўймаган ва илмий билимлар ривожидagi ворисликнинг сақланишига ёрдам берган. Бундай ворисликни Темур ва Темурийлар давридаги илму фан тараққиётининг барча йўналишларида, хусусан, риёзиёт соҳасида кузатиш мумкин. Таниқли голландиялик математик ва тарих фани билимдони Д. Я. Стройкнинг фикрича, «ислом дунёсида бўлган кўп урушлар, сиёсий ва этнологик ўзгаришлар математика ва астрономия ривожидa юксалиш ва қўлашларга сабаб бўлсада, илмий марказлардан бирининг йўқолиши ва бошқаларининг пайдо бўлишига олиб келган бўлсада, бу фанларнинг умумий характери, тараққиётининг асосий йўналишига таъсир эта олмаган».

Амир Темур Мовароуннаҳр тахтига келган даврдан бошлаб, ўлкада илм-фан, маданият, санъат, бунёдкорлик, меъморчилик каби қатор йўналишларда ўзгаришлар юз берди. Булар орасида дин ва диний илмлар ривожини ҳам таъқидлаш зарур.

Бу борада тарихий ёзма манбаларнинг аҳамияти катта. Жумладан, «Темур тузуклари»да: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари, ислом дини илмлари, тасниф, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим», дейилади.

Бу пайтда таълим муассасалари ҳисобланган мадрасаларда қуръон тажвид билан ўргатилар, араб ва форс тиллари қоидалари, ақида, фикҳ, ислом тарихи, ҳадис, тавсиф каби диний билимлар ўқитилар, шунингдек, мадрасаларнинг

мақомига қараб, математика, шеър, фалакшунослик, тарих, география сингари фанлардан ҳам сабоқ бериларди. Демак, турли илмларнинг ривожини билан бирга дин илмлари ҳам таракқий этган. Масалан, фалакшунос олим фалакиёт илмини билиш билан бир қаторда дин илмларини ҳам билган ёки тиббиёт олими дин илмларидан ҳам етарли даражада бохабар бўлган.

Ёшлигидан илмга меҳр қўйган Амир Темур улуғ кишиларнинг суҳбатида бўлиб, уларнинг дуоларини қўй олган: адабиётларда унинг Шамсиддин Кулол, Саййид Барака (ваф. 1404 й.) каби маънавий устозлари санаб ўтилади.

Амир Темур дунёнинг машҳур олимларини шу атрофига йиғиб, Моворауннахрни илму марифат масканига айлантирган. Олимлар Амир Темурнинг илм-фанга эътиборини алоҳида таъкидлайдилар¹¹.

¹¹ Алексей Аранов. «Амир Темур даврида меъморчилик» «Мозийдан садо» №2, 2003 й., 30-31-бетлар.

МУНДАРИЖА

№	Муаллифлар Ф.И.Ш.	Мақола номи	Бет
1	Б.А.Шоимкулов	СЎЗ БОШИ	3
Ў ШУЪБА. ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА УНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ			
2	Коптаева Г.П. Косанбаев С.К. Абдижаппаров А.Т.	Из истории духовного наследия народов центральной Азии (На примере казахского и узбекского народов)	5
3	Қаноатова Ф.Б.	Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари	9
4	Р.Бойқобилова	Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оила тарбиясининг аҳамияти	11
5	М.Э.Элиматов	Одамлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари	15
6	Ш.А.Эрматов	Демократик жамиятда замонавий бошқариш босқичлари ва усуллари	18
7	М.Файзиева	Глоблалашув, тарихий жараён ва маънавият	21
8	Т.Ҳ.Қурбонов А.Т.Ҳамдамов	Шахс тарбиясида маънавият фанининг ўрни	24
9	М.С.Мақсадова	Ахборот ва жамият тараққиёти	28
10	Ҳ.Қамолова	Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ва демократик ҳуқуқий давлат куриш	31
11	Д.М.Худойбердиев	Мафкуравий таҳдидларнинг – маънавий тарбияга таъсири	36
12	Ш.Бекова	Мактабгача ёшда бола шахсининг маънавий шаклланишида психологик хизматнинг ўрни	39
13	А.Толипов	Жамият тараққиётида хотин-кизлар дунёкарашининг ўзгариши масалалари	42

14	<i>С.Қулатова</i>	Ахборотлашган жамиятда ёшлар психологиясига таъсир этувчи омиллар	45
15	<i>Ф.Ражабова</i>	Ижтимоий - психологик хавфсизлик муаммолари	47
16	<i>Z.O.Ibragimova</i>	Bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni ta'minlash dolzarb masala	51
17	<i>Д.Рўзибоев</i>	Томорқа ер эгалигининг ижтимоий-маънавий муҳитни ўзгартиришдаги аҳамияти	54
18	<i>S.A'zamova</i>	Xotin-qizlar huquqlarini himoya qilishda gender muammosi va uni hal etishning ahamiyati	57
19	<i>О.Очилова</i>	Амир темур даврида илм-фан ва маънавият ривожи	62
II ШУЪБА.			
ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТГА ОИД ФАНЛАРНИ ЎРГАНУВЧИ ТИЗИМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШУВИ			
20	<i>М.Э.Эшматов</i>	Ижтимоий фанларни ўқитилишидаги айрим мулоҳазалар	66
21	<i>Т. Валиев</i>	Йўлсозлик терминларининг шаклий тузилишига кўра турлари	68
22	<i>Ш.Бобожонов Ш.Бобожонова</i>	Таълим тизимида инновацион педагогик технологияларни қўллаш – давр талаби	72
23	<i>Н.Ражабова Ш.Якубова</i>	Чжан цзяннинг ўзбекистон шаҳарларига саёҳати тарихидан	75
24	<i>А.Якубов</i>	Фуқаролик қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари	80
25	<i>А.Якубов</i>	Муаллифлик ҳуқуқининг ўзга шахсларга ўтиш тартиби	81
26	<i>Д.Н.Сунатов</i>	Estetik ong va uning tuzilmasi	86
27	<i>Z.Kenjajev</i>	Mamlakatimizni demokratik rivojlantirishning huquqiy asoslari takomillashuvi	91